

ХАЛҚАРО ЭЛЕКТРОН САВДОДА РАҚАМЛИ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАҲЛИЛИ

*Махмудова Хилола Эркиновна*

Интернет тармоғи мижозларга товарлар ва хизматларни сотиб олиш имкониятларини кенгайтирмоқда, тижорат ташкилотлари ўз тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда ушбу тармоқдаги иштирокларини ошириб келмоқда. Шунингдек, электрон тижорат замонавий иқтисодиётнинг ажralmas қисмига айланиб бормоқда.

Электрон тижоратни ривожлантириш мақсадли аудитория билан ўзаро манфаатли алоқа форматини аниқлаш, онлайн бозорда ишлаш учун зарур инфратузилмани яратиш, интернет-платформа танлаш, интернет-маркетинг каналлари ва воситаларини ўрнатиш ва фойда олишга қаратилган бошқа бир қатор ҳаракатларни ўз ичига олади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда электрон тижоратдаги рақамли технологияларни кўриб чиқаймиз:

1. Онлайн хизматлар, жумладан:

- Интернет-дўкон – бу интернет фойдаланувчиси томонидан товар ва хизматларни сотиш бўйича веб-хизматнинг интернетдаги жойи;
- халқаро ва маҳаллий маркетплейслар бу кенг ассортиментдаги товарлар сотиб олинадиган ва сотиладиган онлайн платформалар.

**1-жадвал**

**Мижозларнинг онлайн-дўкондан харид қилиш сабаблари**

Сабаб	Кўрсаткич
Бепул етказиб бериш	63%
Чегирмалар/купонлар (ваучерлар)	41%
Мижозларнинг маҳсулот бўйича фикр ва шарҳлари	35%
Осон қайтариш тартиби	33%
Сотиб олишнинг тез/осон усули	30%

## ***Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi***

Тез кунда етказиб бериш	28%
Маҳсулотнинг ишончлиги	27%
Ижтимоий тармоқларда кўплаб шарҳлар	22%
Маҳсулотнинг экологик тозалиги	21%
Тўловларни тақсимлаш имконияти	20%

Интернет-дўконларда маҳсулотларни солиб олишга ундовчи сабабларни ўрганиш бўйича олиб борилган сўров натижаларига кўра, биринчи сабаб – онлайн-дўкон томонидан тақдим этилган бепул етказиб бериш хизмати, иккинчи сабаб – чегирмалар ва купонлар (ваучерлар), онлайн харид қилишнинг учинчи сабаби – сайтдаги бошқа мижозларнинг маҳсулот бўйича фикр ва шарҳлари. Мижозларнинг онлайн харид қилиш сабабларининг тўлиқ рўйхати юқоридаги 1-жадвалда келтирилган.

Электрон тижорат бозорини таҳлил қилишда дунёда машҳур маркетплейсларни ҳисобга олиш керак бўлади (2-жадвал).

### **2-жадвал**

#### **Маркетплейслар тўғрисид маълумот**

Маркетплейс	Мамлакат	Тавсиф
Amazon	АҚШ	Даромад ва бозор капиталлашуви бўйича дунёдаги энг йирик е-тижорат платформалари.
Alibaba	Хитой	Асосий фаолият – бу В2В схемаси бўйича компаниялар ўртасидаги савдо операциялари ва онлайн чакана савдо.
JD.com	Хитой	Электрон тижорат, шунингдек, логистика, чакана савдо ва маркетинг билан шуғулланади.
Wildberries	Россия	Кийим-кечак, пойабзал, электроника, болалар маҳсулотлари ва товарлари, уй-рўзгор буюмлари ва бошқа товарларнинг

## ***Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi***

		халқаро маркетплейси
ASOS	Буюк Британия	Кийим ва косметика онлайн дўкони
eBay	АҚШ	Онлайн аукционлар ва онлайн-дўконлар соҳаларида хизмат кўрсатиш
Ozon	Россия	Биринчи рус универсал онлайн-дўкони; электроника, кийим-кечак, косметика, китоблар, уй ҳайвонлари учун маҳсулотлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқаларни сотади.

2. Онлайн маҳсулотларни қидириш учун мобил қурилмалардан фойдаланиш электрон тижоратдаги энг оммабоп тенденциялардан биридир. M-commerce (Mobile commerce - мобил тижорат) смартфондан товарлар сотиб олиш имконини беради, бу эса харидлар мижозлар янада қулайроқ қиласди.

3. Электрон пул ўтказмалари – бу бир банк ҳисобварағидан бошқасига электрон пул ўтказиш. Бугунги кунда ушбу технология фойдаланувчилар орасида жуда машхурдир. Мобил тўловлар Google, Apple Pay каби ракамли ҳамёнлар ёрдамида харидларни амалга оширишга ёрдам беради, бу мижозларга нақд пулга эҳтиёж сезмасдан товарлар сотиб олиш имконини беради.

Айтиш жоизки, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлардан фойдаланувчилар сони тобора ортиб бормоқда, бу эса дастурчиларнинг ижтимоий тармоқлар ичida экотизим яратишига сабаб бўлмоқда. Шундай қилиб, картадан картага пул ўтказмалари Facebook, Telegram ва бошқалар мессенжерларида яратилиб келинмоқда.

4. Электрон тижоратда таъминот занжирини бошқариш (логистика) – бу электрон тижорат бренди буюртмани омбордан мижозга этказиш учун фойдаланадиган мураккаб, кўп босқичли жараёндир. Электрон тижорат

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

логистикаси таъминотни бошқариш ва нархларни белгилаш, қадоқлаш ва онлайн буюртмаларни жўннатишни ўз ичига олади.

Логистика қуийдаги функцияларни ўз ичига олади: буюртмаларни қайта ишлаш, етказиб бериш ва таъминот омборларини бошқариш. Ушбу элементларнинг ҳар бири электрон тижорат таъминот занжирининг самарали ишлашида муҳим роль ўйнайди. Масалан, FedEx Sensaware – бу сенсор логистикасини ривожлантиришга қарор қилган компания. Ушбу йўналиш мижозга реал вақт режимида етказиб беришни назорат қилиш имконини беради.

Шундай қилиб, онлайн платформа янги ғоялар учун чексиз имкониятларни очиб беради, деган хulosага келишимиз мумкин. Электрон тижорат бозори электрон пул маблағларини ўтказиш жараёни амалга ошириладиган барча онлайн хизматлар, платформалар ва онлайн-дўконлар ва интернетда товар ва хизматларни илгари суриш усулларини тақдим этади, шунингдек, бир мамлакатдан иккинчисига онлайн етказиб беришни ташкил этадиган логистика, ривожланаётган интернет-маркетинг билан ифодаланади. Ушбу технологиялар занжири электрон тижорат жараёнини тавсифлайди. Ҳар бир технология мижозларни онлайн харид қилишга жалб қилиш ва шу орқали электрон тижорат бизнесини ривожлантириш учун ўз хусусиятларини яхшилашга интилади.